

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмаси
бошлиғи



Ф.Ф.Жумаев

«25» октябр 2022 йил

**ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА
ДАВОЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАРНИ УЧ МАХАЛ ИССИК ОВКАТ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТИ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Кизилтепа туман -2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларни уч махал иссик овкат билан таъминлаш аутсорсинг хизмати учун.

1.2.Танловнинг юқори қиймати—410 877 456 Турт юз ун миллион саккиз юз етмиш етти минг турт юз эллик олти)сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Танлов хужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан давлад харидлари ижрочиси билан шартнома тузилади.

1.4. Иссик овкатни етказиб бериш муддати: Ғолиб бўлган давлад харидлари ижрочиси билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган тартибда ва график бўйича 61 кун хизмат курсатади

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Қизилтепа туман Шифокорлар кўчаси 1-уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Қизилтепа туман Тиббиёт бирлашмаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, иш тажрибага ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Теник қисм 50 баллик тизимда баҳоланади ва Нархга оид тактиф тизим томонидан маҳ 50 балда баҳоланади.

Техник қисмларга қуидаги талабларга булинади.

- Асосий ва иккиласмчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг (элонга берилган ва тугаш оралиқ холатида) мажуд эмаслиги.- 10 бал
- Солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг (элонга берилган ва тугаш оралиқ холатида) мавжуд эмаслиги- 10 бал

- Танлов объектга ажратилган маблагни 30 фоизи микдорида ташкилот хисоб ракамида уз маблаглари мавжудлиги түгрисда Банк маълумотномаси тақдим килинади (элонга берилган ва тугаш оралик холатида)-10 бал
- Иш тажрибаси хакида маълумот (бошка ташкилотлар билан тузилган шартмалар) 10 бал
- Давлат руйхатидан утганлиги түгрисида тегишли Гувохонама нусхаси. Раҳбарнинг паспорт копияси билан биргаликда.-10 бал
- Шу соҳада ишлайдиган ишчи ходимлари малакаси хакида маълумот (ошпазлик дипломи ва сертификат) -10 бал
- Бажарувчининг шу соҳада хизмат курсатадиган техника ва ошхона анжомлари хакида маълумот (Автомобил техник паспорти)

3.3.Агар танлов предмети бўлган товарларни етказиб бериш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши, сертификатлаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда электрон кўринишда тақдим этишлари лозим.

4.3.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник хужжатлар бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тутагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзgartiriш киритиш хукуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 1 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тұғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИҢ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тұғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланған тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланған тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланған қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирочи деб топилғандан сўнг қонунчиликда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилған тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатиласкан ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилған шартлар асосида тузилади.

Танлов комиссияси аъзолари

Кизилтепа ТТБ бошлик ўринбосари _____ Ф.Хасанов

Бош хисобчи _____ У.Асадов

Бош мухандис _____ Х.Саидов

Касаба уюшмаси раиси _____ У.Музаффаров

Хужалик ишлари мудири _____ Ё.Темиров